

Ерларга нисбатан мулк ҳуқуқининг объектлари ер фонди ёки ер участкалари хисобланади. Ўзбекистон ҳудудидаги барча ерлар, мулк, эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқи асосида юридик ва жисмоний шахсларга тегишлийлигидан қатъий назар ер фондини ташқил этади. Ер кодексининг 8-моддасига мувофик барча ерлар фойдаланиш мақсадларига қараб саккизта тоифага бўлинади:  
-қишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ерлар;  
-аҳоли пунктлари ерлари;  
-саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган

ерлар;

-табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар;  
-тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар;  
-ўрмон фонди ерлари;  
-сув фонди ерлари;  
-захира ерлар.

Хусусий мулк ҳукуқининг объекти бўлиб ер участкаси хисобланади. Ер кодексининг 10-моддасига биноан ер участкаси - қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашган манзилига, ҳукукий режимига хам да ер участкасига бўлган ҳукукларниң давлат ер кадастр хужжатларида акс эттирилган бошқа хусусиятларга эга бўлган ер фондининг кисмидир.

Ер кодексининг 17-моддасида юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкалариiga бўлган ҳуқуқлари белгиланган бўлиб, бу ўз навбатида ердан фойдаланиш ҳуқуқи шаклларини кўрсатади. Унга кўра, юридик шахслар доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вактинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкалариiga эга бўлишлари мумкин

**Жисмоний шахслар мерос қилиб қолдириладиган умрбод әгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вактинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин.**

**Кўриниб турибдики:**

- муддатли (вактинча);
- доимий әгалик (фойдаланиш) асосида;
- ижара асосида;
- мерос қилиб қолдириладиган умрбод әгалик қилиш асосида;
- хусусий мулк ҳуқуқи асосида ердан фойдаланиш ердан фойдаланиш ҳуқуқи шаклларини ташқил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари хам да иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги 24.07.2006 й. н пф-3780 сонли фармони бу қоида мохиятини амалда ўзгаришига олиб келди. Чунки, фармонда белгиланишича, 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари - резидентлар мулкий ҳукуқ асосида ўзларига қарашли ёки улар томонидан хусусийлаштириладиган бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари жойлашган ер участкаларини, шунингдек мазкур объектларга туташ ер участкаларини қўлланиладиган технология жараёнлари, шахар қурилиши норма ва қоидаларини хисобга олган холда, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган миқдорда хусусийлаштириш ҳукуқига эга. Бунда ер участкаларини хусусийлаштириш бозор қийматидан келиб чиқиб, қонун хўжжатларида белгиланган тартибда мулкка эгалик ҳуқуқини расмийлаштирган холда ихтиёрийлик асосида амалга оширилади. Ер участкасини хусусийлаштирган, Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари - резидентлари томонидан доимий фойдаланиб келинаётган ер участкалари 2008 йилнинг 1 январига қадар эллик йилгача, аммо ўттиз йилдан кам бўлмаган узок муддатли ижарага қайтадан расмийлаштирилиши кўзда тутилди.